O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL
10 AVGUST
SHANBA
№ 96 (26.955)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 9 август куни Оқсаройда АҚШ Қуролли кучлари Штаб бошлиқлари бирлашган қўмитаси раисининг ўринбосари Питер Пейсни қабул қилди.

Учрашувда давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди.

— Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисида декларация имзолангани ҳамкорлик самарали кечишининг муҳим омили бўлмоқда, — деди Ислом Каримов. — Мазкур ҳужжат икки давлатга ҳам катта масъулият юклайди. Бу ҳужжатнинг аҳамияти шундаки, у мамлакатларимиз ўртасида нафақат ҳарбий-техникавий, балки иқтисодий, ижтимоий ва бошқа муҳим соҳаларда ҳам алоқаларни кенгайтириб боришни назарда тутади.

Суҳбат чоғида минтақавий хавфсизлик, халқаро терроррчиликка қарши кураш, икки давлат ўртасида ҳарбий-техникавий ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

■ (ЎзА)

✧✧✧

Суратда: *қабул пайти.*
Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

КАСБИДА ҚЎШМА КОРХОНА

Вилоятда энг кўп пахта ва ғалла етиштираётган туманда ҳозиргача бирорта қўшма корхона йўқ эди. Бу борада дастлабки қадам ташланди: «Туросбек Касби» Ўзбекистон — Туркия — Россия қўшма корхонасига асос солинди.

Туманда чорвачилик ҳам етакчи соҳа. Янги қўшма корхонада сутни қайта ишлаш йўлга қўйилади. Корхонанинг низом жамғармаси 153290 АҚШ долларига тенг.

■ **Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

2002 ЙИЛНИНГ 1 СЕНТЯБРИДАН БОШЛАБ ЎҚИТУВЧИЛАР ВА ЎҚУВ ЮРТЛАРИ МУАЛЛИМЛАРИНИНГ, ИЛМИЙ ХОДИМЛАРНИНГ ИШ ҲАҚИ МИҚДОРЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Илмий ва муаллим кадрлар меҳнатини қўшимча равишда рағбатлантириш, илмий ходимларнинг, умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчиларининг, академик лицейлар ҳамда касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари муаллимларининг ижтимоий-маиший ҳамда моддий турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида:

1. 2002 йилнинг 1 сентябридан бошлаб бюджет маблағлари ҳисобидан молияланадиган умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчиларининг, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасалари муаллимларининг ҳамда илмий-тадқиқот муассасалари илмий ходимларининг иш ҳақи ўрта ҳисобда 1,2 баробар кўпайтирилсин.

2. 2002/2003 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчиларининг, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари муаллимларининг педагогик юкламалари қуйидагича белгилансин:

бошланғич синфларда — ҳафтасига 18 соат;

юқори синфларда — ҳафтасига 20 соат;

академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида — йилига 800 соат.

3. Ушбу Фармонга мувофиқ иш ҳақини ошириш билан боғлиқ сарф-харажатлар дарс соатларининг ўзгаришини эътиборга олган ҳолда республика Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, ўз қарамоғида бюджет маблағлари ҳисобидан молияланадиган таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот муассасаларига эга бўлган вазирликлар ҳамда идоралар:

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда ҳамда Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда икки ҳафта муддатда умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчиларининг, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасалари муаллимларининг, илмий ходимларнинг янги иш ҳақи миқдорларини тасдиқласинлар;

2002/2003 ўқув йилидан бошлаб синфлар (гуруҳлар) тўлдирилишининг амалдаги нормативларига риоя этилган ҳолда синфлар ва гуруҳлар шакллантирилиши ҳамда ўқитувчилар ва муаллимларнинг иш ҳақи тарифлари ўз вақтида белгиланишини таъминласинлар.

5. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисобласин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1990 йил 2 июндаги 12-сон Фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1990 йил 13 ноябрдаги 93-сон Фармонининг 1-банди.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддатда амалдаги қонунчиликка мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Ушбу Фармон матбуотда эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 7 август

ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ ТАРАДДУДИ

ПОЙТАХТДАГИ МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДАН РЕПОРТАЖ

Энг улуғ, энг азиз айём — Мустақилликнинг 11 йиллиги байрами тантаналарига саноқли кунлар қолди. Ҳозир бутун мамлакатимиз бўйлаб шу қутлуғ сана шукуҳи кезмоқда. Ватанимиз юраги — Тошкентдаги Мустақиллик майдонида олиб борилаётган қизғин тараддуд бунинг ёрқин тимсоли.

...Майдонда машқлар давом этмоқда. Сценарий режиссёрлари саҳна кўрсатувини қайтадан бошлашди. Бир зум сукунат... Борлиқ бағрига яна байрам тантаналарига чорловчи мусиқа таралди. Кетидан сухандон сўзи. Сўнгра атрофни, кўнгилларни ифтихорга тўлдириб, ҳайбатли, залворли мусиқа — Ватан мадҳияси янграйди.

Серқуёш ҳур ўлкам,
элга бахт-нажот,
Сен ўзинг дўстларга
йўлдош, меҳрибон...

Бироз ўтиб байроқлар кўтарган оқ, яшил, кўк, мовий либосдаги саф-саф йигитлар, қизлар... спортимиз юлдузлари, талабалар, жангчилар, санъат усталари, раққосалар, шарчалар кўтарган шодон-шодон болакайлар...

8 август куни кечқурун ана шундай манзараларни кўриб, кўнглимдан бир ажиб туйғулар кечди. Бахтга, бахтиёрликка, шодлик ва севинчга ошуфта кўнглим 9 август куни эрталаб мени яна майдонга чорлади. Мақсадим — мамлакатимиз Бош майдонида бораётган бош байрамимиз тараддудининг тонги манзарасини ҳам кўрмоқ эди.

... Сўнгги тайёргарлик ишлари кетаётган улкан саҳна атрофидаги соқчилар постидан ўтдиму дурадгорлар, пайвандчилар, гулзору майсазорлар яратаётган ишчи-хизматчилар орасига шўнғидим. Майдонни шодиёнага тайёрлаш, қурилиш-тиклаш ишларини амалга ошириш масъулиятини зиммасига олган бош пудратчи — шаҳардаги 12-трест ҳиссадорлик жамиятига қарашли 2-механизациялашган кўчма жамланма жамоасининг қўли-қўлига тегмайди. Уларга 52-қурилиш бошқармаси пардозловчилари камарбасталик қилишяпти...

Файзли саҳна мажмуаси. Қулай ва шинам ўриндиқлар. Чор атрофни ўраб турган мўъжизавий миноралар, дилларга завқ-тароват улашгувчи гулу-чечаклар, яшил майсазорлар... Ҳуллас, мамлакатимизнинг Бош майдони — бош саҳнасида байрам ҳозирлиги, байрам шукуҳи!

Тошкент шаҳар ободонлаштириш бош бошқармасига қарашли марказий майдонларни ободонлаштириш махсус бошқармаси раҳбари Абдували Расулов бундай дейди:

— Энг улуғ, энг азиз байрамимиз тантаналарига тайёргарлик ишларида қатнашиш насиб этганининг ўзи — биз учун катта бахт, катта ишонч, Мустабидлик йиллари бирор байрамга шунчалик тайёргарлик кўрилармиди? Энг катта байрам ҳисобланган 7 ноябрда қўлида автомат тутган солдатлар, танклар ва ракеталар саф-саф ўтиб гўё халқни кўрқитмоқчи бўлишармидией...

Энди ҳаёт ўзгарди, замон ўзгарди, одамлар ўзгарди. Қаранг, одамлар ўз тўйига қавму-қариндоши билан бирга тайёргарлик кўраётгандек иштиёқ билан елиб-югуриб ишлашяпти. Ҳаммасининг орзуси — тўй — тўйдек, байрам — байрамдек ўтса!..

Келгуси ҳафта мана шу майдон ва саҳна атрофи ямяшил майсазор билан қопланади. 30 мингдан ортиқ турфа анвойи гуллар безалади...

Ўн бир йил... Абадият олдида у киприк қоқишдек бир лаҳза. Аммо, ибтидоси Тўмарис, Широқ жасоратлари билан бошланган бу ўн бир йилнинг мазмуни, моҳияти ва улуғворлигини мамлакатимизнинг Бош кентидаги Бош майдонда башарият кўз ўнгида бутун салобати билан кўрсатишга, намоён этишга тараддуд кўраётган минглаб юртдошларимизнинг меҳнатида, санъатида, юз-кўзларида, ойдин-ойдин чеҳраларида кўриб, ажиб фарахларга тўлдим. Кўнглимга тўлиб-тошиб шундай сўзлар келади:

Истиқлолингнинг, эркингнинг яқинлашиб келаётган 11 йиллиги муборак бўлсин, эй, азиз Юртим!

■ **Номоз САЪДУЛЛАЕВ**



■ **Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

ТАН ОЛИНГАН УСУЛДА

Андижон вилоятида «DOTS» усулида ишловчи фтизиатрлар сони 40 нафарга ошди. Улар сил касаллигига қарши курашда янги стратегия бўйича «DOTS» ўқув курсини якунлашди.

«DOTS» халқаро соғлиқни сақлаш жамғармаси «HOPE» лойиҳаси доирасида 1994 йилдан бери Ўзбекистонда фаолият юритмоқда. «DOTS» ўтган йилнинг баҳорида республика маркази ва «HOPE» лойиҳаси мутахассислари ҳамкорлигида фаолият бошлаганди. Ўтган вақт давомида ўтказилган ўқув курсларида вилоятнинг турли шаҳар ва туманларидан келган 150 нафар мутахассис бу ерда қайта тайёргарликдан ўтди.

Ушбу дастурни амалга ошириш давомида республика ҳукумати зарур дори-дармонлар билан таъминлашни ўз зиммасига олган. USAID эса даволашнинг тан олинган ушбу усулини тарғиб этишда шифокорларни турли жиҳозлар билан таъминламоқда.

■ **«Туркистон-пресс»**

ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АНЖУМАН

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент Ислом университетида республикамизнинг шарқшунос олимлари, таниқли уламолар, шунингдек, мазкур ўқув даргоҳининг ўқитувчилари ва иқтидорли талабалари иштирокида «Ислом динида мазҳаблар» мавзуида илмий-назарий анжуман бўлиб ўтди.

Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ҳ.Кароматов бошқарди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси З.Ҳусниддинов «Ислом динидаги мазҳабларда диний бағрикенглик масалалари» мавзуида маъруза қилди. Шунингдек, «Суннийлик ва шиаликнинг тарихий илдизлари», «Ҳанафийлик — мўътадил мазҳаб», «Ҳанафийлик мазҳабида аёлларнинг ўрни», «Арабий манбаларда мазҳаблар мавзуининг ёритилиши», «Француз диншуносларининг ислом мазҳаблари тўғрисида» каби мавзулардаги маърузалар тингланди.

Исломнинг муқаддас манбалари Қуръони Карим ва Ҳадиси шарифлар тафсир, изоҳ ва тушунтириш талаб қилиши сабабли динимизда турли оқимлар — мазҳаблар юзага келгани, уларни илмий жиҳатдан ўрганиш масалаларига алоҳида эътибор бериш зарурлиги таъкидланди.

Ислом дини ҳаёт фалсафаси экани, у жамият аъзоларини энг юксак инсоний фазилатлар эгаси қилиб тарбиялаши, инсонпарварлик, халқпарварлик, адолат, ҳалоллик, бошқа динларга эҳтиром, олижаноб ахлоқни тарғиб этишини яхши англаб етмоқ, ислом тарихидан хабардор бўлиб, ватандош уламоларимизнинг ислом тараққиётига қўшган буюк ҳиссасини билмоқ ҳар қайсимиз учун муҳим эканлиги илмий-назарий семинар иштирокчилари томонидан яна бир бор эътироф этилди.

■ **(ЎзА)**

ИСТИҚЛОЛ ҚАНОТИДА ЯШНАЁТГАН, ЯШАРАЁТГАН НАМАНГАН

Мустақиллик йилларида давлатимиз, жамиятимиз олиб бораётган сиёсатнинг энг биринчи мақсади — халқимиз учун, юртимизда яшаётган ҳар бир оила ва ҳар бир инсон учун муносиб турмуш шароитини барпо этиш ва уларнинг тинч, фаровон ҳаётини мустаҳкамлашдир.

Мана бир оддий мисол: Наманган вилоятида **собиқ шўролар замонининг бутун даври давомида борйўғи 95 минг хонадон табиий газ билан таъминланган эди. Мустақилликнинг ўтган 11 йили давомида бу кўрсаткич 200 мингдан ошиб кетди.** Ана шу рақамнинг ўзиёқ мустабидлик даври билан мустақиллик даври ўртасидаги фарқни ёрқин кўрсатиб турибди. Масалан, ўн бир йил муқаддам Нанай, Чодак сингари қишлоқларга табиий газ боришини ким тасаввур қилган дейсиз. Учқўрғон — Наманган сув узатиш иншоотлари ишга тушиши билан вилоятнинг тўртта тумани ва Наманган шаҳри тоза ичимлик сув билан тўла таъминлангани-чи?! Бир сўз билан айтганда, республикамиз халқ хўжалигининг барча тармоқларида, маънавият ва маданият ривожида наманганликларнинг ҳам улуши беқиёсдир.

Шу боиски, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов 1996 йил халқ депутатлари Наманган вилоят кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида (6 ноябрь) шундай деган эдилар: **«Мамлакатимизнинг барқарор равнақини таъминлашда наманганликларнинг муносиб ҳиссаси бор. Бу заминнинг саховати, бу замин фарзандларининг шижоати ўзига хосдир. Наманганликларни азалдан омилкор, оқибатли, нияти пок, ўз маънавий ва исломий қадриятларини юксак эъзозлаб келган эл сифатида биламиз ва катта ҳурмат қиламиз.»**

Ёки 1999 йилнинг декабрида наманганлик сайловчилар вакиллари билан бўлган учрашувдаги таърифига ҳам эътибор беринг:

«Наманган деганда мен заҳматкаш, меҳмондўст, иймон- эътиқоди бақувват, юксак маънавий фазилатлари билан ажралиб турадиган одамларни кўз олдимга келтираман.»

(Давоми 2-бетда)

Конституция майдони

ИСТИҚЛОЛ ҚАНОТИДА ЯШНАЁТГАН, ЯШАРАЁТГАН НАМАНГАН

Ёш теннисчилар

Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси фахрийлари: (чапдан) Тўрахон ҳожи Сиддиқов, Тўланбой Раҳимов, Абдуҳалил ҳожи Акрамов, Турғунбой ҳожи Ғайбуллаевлар ўтмиш ва ҳозирги давр ҳақида суҳбатлашмоқдалар.

(Давоми. Боши 1-бетда)

...Одатда бундай одамлар гўзалликка ошуфта, бунёдкорликка шайдо, ўз остонасидан то юрту Ватанигача гўзал бўлиши учун қайғурадиган, эзгу ишлари билан ҳаётда из қолдиришга интилувчи бўладилар.

Менинг ҳамшаҳарларим ана шундай одамлар!

Аммо фазилатларингни намоён этиш, дилингдаги пок туйғуларни ошкор айлаб, ниятларингни рўёбга чиқариш учун Ватанинг озод, ўзинг эркин бўлишинг керак экан. Ҳамшаҳарларимнинг ўз шаҳрига бўлган меҳру оқибатини амалда кўрсатиши учун мустақиллик кенг имконият очди. Ўн йил, йигирма йилни қўяверинг, бир-икки йил олдин келиб кетган киши ҳам: арбобми у, ижодкорми ё оддий сайёҳ — бугун шаҳарни танимай қолаётганининг боиси шунда.

Ўша учрашув куни аэропортдан тўғри йиғилиш ўтадиган бино — шаҳар ҳокимлиги биноси ёнига келган Юртбошимиз кутиб олувчилар билан кўришиб, ҳол-аҳвол сўради. Кейин атрофга мамнун боқиб, вилоят ҳокими Тўлқин Жабборовга юзланди:

— Йиғилиш қаерда бўлади?

— Шу ерда!

— Э, бу ўша биноми? Танимай қолибман-ку, шаҳар ҳокими қани?

Ҳоким Муҳаммаджон Тожибоев Президентга яқин келди.

— Ҳаммаёқни ўзгартириб юборибсизлар, баракалла!

Президентимиз ичкари сари юрди. У кишининг боя «Бу ўша биноми?» деган саволларида мустақиллик йиллари тарихининг гўё бир саҳифаси жо бўлганди.

Наманганнинг маъмурий маркази — ҳозир шаҳар ҳокимлиги ишлаб турган бинода ўн бир йил олдин халқ депутатлари вилоят кенгаши, унинг ижроқўми, рўпарасидаги бинода эса вилоят партия қўмитаси жойлашган эди.

Ўтган ўн бир йил давомида шаҳар ҳам, унинг одамлари ҳам мутлақо ўзгарди. Аммо бу ўзгариш, янгиланишларга осонликча эришилгани йўқ. Мен шу юртнинг бир фарзанди сифатида барча оғир-енгил кунлар, яхши-ёмон важларнинг шоҳиди, қувончли, бахтли воқеалар иштирокчиси бўлганман. Вилоятимиздаги барча муҳим, тарихий ишлар Юртбошимизнинг таклифи, ташаббуси ва кўрсатмалари асосида амалга оширилганини алоҳида таъкидлашни истардим. Бунга ўзим кўрган, билган кўплаб мисолларни келтиришим мумкин. 1991 йил баҳори эди. Вилоят ташкил топганига 50 йил тўлганди. Ўша даврда неча йиллар давомида Тошкент енгил саноат институти филиалини мустақил олий ўқув юртига айлантириш ҳақидаги маънинг Наманганга қайтиб келишига тўғри келди. Чунки... Учрашув ўтгач, узун-узун чопонлар кийган, намозхоннамо диний ақидапарастлардан бир нечаси вилоят партия қўмитаси биносини қўриқлаб турган ходимларни чалғитиб, ичкарига кириб оладилар ва улар изидан бир гуруҳ оломон келиб бинони эгаллайди. Ўзларига қандайдир «амирал-муслимин», «амир» рутбаларини берган бетайинлар пайдо бўлади. Ақидапарастлар билан хавфли жиноятчилар бирлашиб олади. Бинонинг тўрт бурчига ислом байроғини осиб, ҳокимиятни олганликларини эълон қиладилар. ...Бош-бошдоқликка барҳам берувчи куч топилмай қолди. Вилоятнинг биринчи раҳбари эса сафарда эди.

Оломон фақат Президент билан учрашмоқчи эканини айтди. Президент воқеа жойига етиб келиб, вазият тўғрисида қисқа маълумот олгач, қуролланган соқчилару вилоят раҳбарларининг қўриқлаб бориш истакларига кўл силтаб, ёлғиз ўзи бино сари йўл олди.

Ўша манзара ҳамон кўз ўнгимда: кечаси билан бақир-чақир қилиб, майдонда қурбонликлар сўйган, кўзлари қонга тўлган, қайчи тегмаган соқоллари кўксини, сочлари бўйнини қоплаган, на катта, на кичикни билмайдиган, мақсади нотайин бангинамо, қутурган оломон Ислом Абдуғаниевич ижроқўм биносидан чиқиб келганларида қилич билан ёрилгандай икки ёққа тисарилиб, йўл беришди.

Ё парвардигор, ўшанда улар ё Йўлбошчимиз шиддатидан чўчиб кетдилар ё Оллоҳнинг у кишига ато этган мартабаси бутун борлиғи билан зоҳир бўлди! Тўғрисини айтсам, ўша кезда Ватани ва халқига жонини тикиб қўйган одамдан хатар ҳам чекинишига имон келтирдим. Ўша тўдага бош бўлганларнинг айримлари кейинчалик Наманганни ташлаб, қочди, бирлари тавба-тазарру қилиб узр сўрашди... Хизрназар Наманган аҳли Ислом Абдуғаниевич айтганларидек, иймон-эътиқоди бақувватлигини исботлаб, истиқлолни авайлаш ва мустаҳкамлаш йўлида фидокор бўлиб қолдилар.

Ҳа, ўз юртини обод ва хушманзара қилиш учун одамда меҳр-муҳаббат, фарзандлик туйғуси, келажак авлодлар олдидаги масъулият ҳисси жўш урмоғи керак. Бу ҳиссиёт кундан-кун кўрк очаётган шаҳар жамолида бугун яққол зоҳир бўлиб турибди. Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ қадриятларимизни тиклашга хизмат қилаётган Мулла Бозор Охунд мақбара мажмуи, 50 гектар ерда ястанган ва Боборахим Машраб қадами етган мамлакатлар меъморий усулларида қурилган бинолар, шоир уй-музейи ва сўлим боғ, янги қиёфада кенгайган Марғилон, Қўқон кўчалари — ҳаммаси бир томону, сўнгги бешолти йил ичида қад кўтарган меъморий ечими юксак янги-янги обидалар бир томон... Шаҳар гўё қайта туғилгандек!

Яқинда Наманганга ташриф буюрган атоқли олим, устоз Озод ака Шарофиддинов катта йиғинда ажойиб лутф қилдилар:

— Мен бу гал Наманганда яна бир хислат кўрдим. Менга қадрдон бўлган одамлар энди ёшлари улғайиб кексая бошлабдилар. Аммо шаҳар, яшариб кетибди...

Бугун самолётдан тушиб аэропортдан шаҳар томон йўл олган киши Дўстлик шоҳкўчасининг обдон кенгайганини, кўча ўртасидаги «оролча»ларда нозик симёғочлардаги гулсимон чироқларни кўриб баҳри дили очилса, йўлнинг икки четидаги биноларнинг безаклари, яқиндагина қад ростлаган болалар майдони-ю, «Паҳлавон» спорт мажмуи, теннис корти, «Ўзнефтмаҳсулот» вилоят бошқармасининг янги маъмурий биноси, «Дўстлик» академик лицейи биноси, унинг шундоққина биқинида янги меҳмонхона, ёшлар маркази сингари обидалар қачон пайдо бўлди экан, деб лол қолиши, табиий.

Темир йўл шоҳбекатини ҳам танимай қолиши шубҳасиз. Унинг барча қулайликларга эга биноси жамоли бугун янада очилиб, бир неча йил муқаддам теварак-атрофини қуршаган майда савдо шаҳобчалари ўрнида кенг, баҳаво майдон пайдо бўлди. Майдонга бошига Хумо қуши қўндирилган, кўрки ва баландлиги жиҳатидан Марказий Осиёда ягона камалакранг фаввора сўлимлик бағишлаяпти. Худди шу ердан шаҳар марказига йўл олган киши Амир Темур кўчаси янгича тароват олганига, унда илгари кеча-кундуз атрофга турли чиқитлар ёғдириб турган пахта тозалаш заводлари эндиликда кўчирилиб, улар эгаллаган майдонда ёшлар мажмуи жадал қурилаётганига гувоҳ бўлади. Амир Темур хиёбони манзараларига ҳавас қилади.

Наманган шаҳрига олиб кирувчи барча йўллар Бобур номли маданият ва истироҳат боғи билан туташган. Андижон томондан Бобур шоҳкўчаси орқали шаҳарга кириб келаётган меҳмон шаҳар чегарасидаёқ бир неча гектар майдонни эгаллаган, тимлари замонавий жаҳон бозорини, иқтисодиёт ва тадбиркорлик коллежи биноларини кўриб завқланади. Чортоқ, Уйчи, Учқўрғон томонлардан келаётган сайёҳлар эса Уйчи кўчаси ва Чорсу бозори кўркига суқланиб қолади. Катта Наманган канали оқимининг сўл соҳилидаги фахрийлар уйи ва унга олиб борувчи Оромгоҳ кўчаси ҳам янгича бир олам.

Булар ёнига НамДУ академик лицейи, Транспорт ва алоқа коллежи, Она-болалар скрининг маркази, Чорсу майдонидаги беш қаватли турар жой биноларни, «Ўзавтостандарт»нинг вилоят бошқармаси маъмурий биноси, Хотира майдони, «Алпомиш», «Динамо» спорт мажмуалари, 11, 50-ўрта мактаблар, театр майдони, Конституция, Нодим Наманганий хиёбонлари, Санъат, Маданият, Енгилсаноат, Тиббиёт коллежлари биноларини ҳам қўшадиган бўлсак, Наманганнинг кейинги йилларда улкан қурилиш майдонига айланганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Ҳар қандай ҳақиқат қиёсда очилади, дейишади. Мен ҳам бу рўйхатни ахборот ё маълумот учун эмас, қиёслаш учун атай санаб ўтдим. 1960 йилдан 1968 йилгача шаҳарда биргина бино қурилган бўлиб, кейинчалик вилоят Маданият саройи бўлган бу даргоҳ ҳам тўла қайта таъмирланди ва у чинакам санъат даргоҳи қиёфасини олди.

Шаҳар оқшомларини айтмайсизми?! Улар бугун дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари шаҳарларининг оқшомларидан қолишмайди. Турфаранг чироқлар гул шаклида тизилган электр лампочкалардан таралаётган нур оқимлари...

Эсимга яна бир таққос тушади: архив ҳужжатларининг гувоҳлик беришича, 1916 йилда шаҳар ҳокими кўчаларни тунда ёритиш учун олти литр керосин сўраб, Фарғона генерал-губернаторига арзнома ёзган. Бу олти литр керосин темирйўл шоҳбекатидан ҳоким қароргоҳи (ҳозирги Бобур боғи)гача бўлган йўлни ёритган, холос. Бугун шаҳар кўчаларини тунда ёритиш учун бир кеча-кундузда йигирма минг киловатт соат электр энергияси сарфланмоқда. Мана шу муқоясада ҳам қарамлик билан мустақиллик фарқи намоён эмасми?

Албатта, бунёдкорлик учун орзунинг ёки юртни обод қилиш учун муҳаббат туйғусининг ўзигина етарли эмас. Бу ҳиссиётлар ғайрат ва меҳнат билан қоришиб кетгандагина мақсад рўёбга чиқади. Агар шаҳар саноат корхоналарида беш йил давомида маҳсулот ишлаб чиқариш 3,2 баробар кўпайгани, бугунги кунда шаҳарда 36 та қўшма корхона фаолият кўрсатаётгани, уларнинг аксарияти Америка Қўшма Штатлари, Япония, Швейцария, Канада, Англия, Германия каби ривожланган мамлакатлар билан ҳамкорликда тузилгани ҳам инобатга олинса, Наманган дунёга тобора танилиб бораётгани яна ҳам ойдинлашади.

Ишлаб чиқариш билан бирга аҳолига хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, савдо соҳаларидаги ўсишлар ҳам бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига замин яратмоқда. Буларнинг ҳаммаси ҳамшаҳарларим орзу-интилишларига қанот бахш этиб, Наманган файзига файз, баракасига барака қўшмоқда.

Яқинда халқ депутатлари вилоят кенгаши сессиясида мамлакатимиз ҳукумати Наманган шаҳри ривожи учун яна 350 миллион сўм маблағ ажратгани айтиб ўтилди.

...Ўзимча ўйлайман, ўн бир йилда шунча ўзгариш, янгилик, юксалиш... Бу ўн бир йилнинг моҳияти, тоши, салоҳияти олдида сўнгги бир асрнинг ҳисобкитоби қанчалик саёз, қанчалик ғариблигини англайман. Ўн бир йилда асрларга татигулик ишлар қилинганига имон келтираман. Ва Наманганнинг яна ўн-ўн беш йилдан кейинги қиёфасини кўз ўнгимга келтираман: кўчалари Парижу Рим кўчаларидан қолишмайди. Бинолари мана-ман деган мамлакатлардан келганларни ҳам ҳайратга солади. Одамлари «омилкорлиги, оқибатли, ниятли поклиги» билан ҳурматга сазовор бўлиб қолаверади.

Ҳа, менинг Наманганим шундай шаҳар! Менинг ҳамшаҳарларим шундай одамлар! Ёдимга академик шоиримиз Ғафур Ғулом сатрлари тушмоқда:

Қаерда икки кўкламнинг шамоли дилни шод этса, Билингки, ул эсибди бир сари бизнинг Намангандан...

Бу ҳурлик, истиқлол, мустақиллик туфайли қулф урган имон, ишонч ва садоқат шамолидир.

■ **Ҳабиб САЪДУЛЛА,**
Ўзбекистон халқ шоири

Дўстлик шоҳкўчасидаги академик лицей

«Норин» оромгоҳида хордиқ чиқараётган ёшлар


Чорсу майдони

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ҲАЁТИДАН

Ўзбекистон ХДП Қарши туман кенгаши ташаббуси билан, маҳаллий ҳокимлик ҳамда «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази бўлинмаси билан биргаликда, Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 11 йиллиги олдидан махсус тарғибот гуруҳи тузилди. Гуруҳ аъзолари аҳоли ўртасида мустақиллик йилларида мамлакатимизда юз берган ўзгаришлар ҳақида ҳикоя қиладилар, Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг шу йилнинг 18 июлида республика Вазирлар Маҳкамасида сўзлаган, «**Одамларнинг ташвиш ва орзу-интилишлари билан яшаш фаолиятимиз мезонига айлансин**» деб номланган нутқи мазмун-моҳиятини уларга етказадилар.

Бўз тумани партия кенгаши тарғиботчилар гуруҳи аъзолари А.Турсунов ва Х.Холиқов «Янги турмуш» ва А.Исмоилов номидаги ширкат хўжаликларида «Терроризм ва унинг салбий оқибатлари» мавзуида суҳбатлар ташкил қилдилар.

ХДП Андижон шаҳар кенгашида ўтказилган фаоллар йиғилишида бошланғич (ҳудудий) партия ташкилотларининг Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 11 йиллигига тайёргарлик кўришда ҳамда «Андижон шаҳрини гуллар шаҳрига айлантирайлик!» кўрик-танловида иштироки каби масалалар кўрилиб, тегишли тавсиялар берилди.

Марҳамат туман партия кенгаши ҳузуридаги «Мулоқот» клубининг навбатдаги машғулоти шу йилнинг июль ойида Андижонда, Марказий Кенгаш томонидан ўтказилган минтақавий семинар-кенгаш якунларига бағишланди. Туман партия кенгаши биринчи котиби А.Абдужабборов маъруза қилди.

Қарши туманидаги «Истиқлол» ширкат хўжалиги ЎзХДП бошланғич ташкилотида очиқ умумий йиғилиш бўлиб ўтди. Унда ташкилотда ХДП Марказий Кенгаши IV пленуми қарорлари бажарилишининг бориши ҳамда Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг 2002 йил 18 июлдаги Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида сўзлаган нутқида баён қилинган қоидаларни ҳаётга татбиқ этишда партия аъзолари ва партиясиз фуқароларнинг вазифалари муҳокама қилинди. Туман партия кенгаши биринчи котиби Ш.Амиркулов шу ҳақда маъруза қилди. Йиғилишда сўзга чиққан ЎзХДП аъзолари — ш/х. бошқаруви раиси К.Равшанов, ижарачилар Ё.Мўминов, Б.Қурбонов, 1-2-агроучасткалар раҳбарлари С.Эрдонаев, Ғ.Сатторов ва бошқалар кун тартибидаги масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, бошланғич партия ташкилоти фаолиятини янада фаоллаштиришга қаратилган қатор таклифларни киритдилар.

Чортоқ туман партия кенгаши ўтказган фаоллар йиғилишида яқинда Наманганда бўлиб ўтган минтақавий семинар-кенгаш тавсияларига биноан жорий йилнинг биринчи ярмида қилинган ишлар якуни муҳокама қилинди ва навбатдаги вазифалар аниқланди. Йиғилишда, шунингдек, партия ташкилотининг пиллачиликка оталиқ қилиши натижалари кўриб чиқилди. Туман ҳокими ўринбосарлари С.Тошбоев ва Э.Ўринов ҳамда ХДП туман кенгаши саркотиби З.Ваҳобовлар йиғилишда сўзга чиқдилар.

ХДП Термиз шаҳар ташкилотида партия сафларини муносиб ёшлар билан тўлдириш масаласига катта эътибор берилмоқда. Чунончи, яқинда ёш мураббийлардан, ўз тақдирини партиямиз билан боғлаган, бир гуруҳига Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси билетлари топширилди. Уларни шаҳар партия кенгаши биринчи котиби А.Ғойипов табриклади. Шу йиғилишнинг ўзида яна бир неча ёш фуқаро ХДП сафига қабул қилинди.

Тошкент шаҳар партия ташкилотларида ягона кун тартиби билан умумий йиғилишлар ўтказилди. Чунончи, ЎзФА фундаментал кутубхонаси, 5-болалар шифохонаси, 13-болалар ва 2-марказий поликлиникалар ҳамда туман ижтимоий таъминот бўлими бошланғич партия ташкилотларида бўлиб ўтган йиғилишларда мамлакатимиздаги парламент ислоҳотида ЎзХДПнинг ўрни ва иштироки, Марказий Кенгаш IV пленуми қарорлари асосида партиявий ишларни янада яхшилаш масалалари асосий ўрин эгаллади. Уларда ушбу БПТ котиблари В.Смольников, Н.Ержанов, Р.Нишонова, С.Олимова, М.Акбархўжаева, ХДП аъзолари Д.Кудратова, Р.Тилавова, М.Аҳмедова, Р.Саъдуллаева, А.Султонов, Ўзбекистон ХДП Мирзо Улуғбек туман кенгаши биринчи котиби Р.Сатторова ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Бошланғич партия ташкилотининг Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши IV пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалари тўғрисидаги масала **Гулистон шаҳридаги** 28-болалар боғчаси қошидаги ЎзХДП бошланғич ташкилоти умумий йиғилишида муҳокама қилинди. Бошланғич партия ташкилоти котиби, боғча мудираси Д.Бойтўраева шу масала юзасидан маъруза қилди. Шаҳар партия кенгаши бош маслаҳатчиси В.Ҳасанов яқинда бўлиб ўтган минтақавий семинар-кенгаш якунлари ҳақида сўзлаб берди. Мажлис иштирокчилари ХДП аъзоларини партия қарорларини чуқур ўрганиш, унинг Низоми қоидаларига тўла риоя қилиш, аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда фаол қатнашишга даъват этдилар. Йиғилиш сўнггида партия сафи уч нафар ёш аъзолар билан тўлдирилди.

Миробод туман партия кенгаши ижроия бюросининг, барча йирик бошланғич партия ташкилотлари котиблари иштирокидаги, кенгайтирилган мажлисида «Фотон» АЖ, «Тансиқ нон» АЖ бошланғич партия ташкилотларининг Марказий Кенгаш IV пленуми кўрсатмалари асосидаги тарғибий-ташвиқий, сиёсий-ташкилий фаолияти тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Бу ҳақда ахборот берган мазкур БПТ котиблари Ў.Худойберганов, А.Турсунов ва муҳокамаларда қатнашган бошқалар ушбу ишлар билан бир қаторда, партия ташкилотларининг меҳнат жамоаларида ижтимоий-маиший масалаларни ҳал этиш, хайрия тадбирларини уюштириш, Қарияларни қадрлаш йили давлат дастури доирасидаги табдирларни ўтказишда иштирокига оид тўпланган тажриба билан ўртоқлашдилар.

МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР

Ўзбекистон ХДП Тўрақўрғон туман кенгаши ташаббуси билан Сайрам қишлоқ фуқаролар йиғинида ўтказилган «Огоҳлик маҳалладан бошланади» мавзуидаги фаоллар йиғилишида 11 та маҳалла ва қатор давлат идоралари ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар.

Қарияларни қадрлаш йили давлат дастурига мувофиқ, **Мирзаобод туман партия кенгаши,** туман ҳокимлиги ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда, бир гуруҳ энг кекса фахрийларни «бир пиёла чой»га таклиф этди. Туман ҳокими А.Ибодуллаев ва ХДП туман кенгаши биринчи котиби К.Мамарасуловалар қарияларнинг Ватан ва халқ олдидаги хизматларига юқори баҳо бериб, уларга совғалар топширдилар. 90 ёшни қаршилаган Ҳайитбой ота Бозорбоев фахрийлар номидан миннатдорчилик билдирди. Шу куни ишга туширилган «Бой қозон» чойхонасининг эгалари ака-ука Эрматовлар тўпланганлар учун дастурхон ёздилар.

ЎзХДП Шаҳрисабз туман кенгаши ва туман ҳокимлигининг маданият бўлими ҳамкорликда меҳнат жамоалари ҳамда аҳоли яшаш жойларида, Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 11 йиллиги ва Шаҳрисабзнинг 2700 йиллигига бағишлаб, «Улуғимсан, она Ватаним» деб номланган адабий-мусиқий тадбирларни уюштирмоқдалар. Шундай тадбирлардан бири Амир Темур номидаги ширкат хўжалигида ўтказилди. Унда иштирок этган ХДП аъзолари — фахрийлар Т.Ҳайдаров, Н.Нарзиева, Ж.Сатторов ва туман партия кенгаши биринчи котиби М.Остонов мустақиллик йилларида мамлакатимиз босиб ўтган йўл, республика раҳбариятининг халқимиз тарихи, маданиятини ўрганишга бераётган эътибори, ёшларнинг тарбияси тўғрисида қилаётган ғамхўрлиги хусусида тўлқинланиб гапирдилар.

ХДП Улуғнор туман кенгаши «Оқ олтин» ва «Гулистон» маҳалла фуқаролар йиғинларида аёллар ўртасида ўтказилган маърифий тадбирларнинг ташкилотчиларидан бири бўлди. Уларда туман партия кенгаши раҳбари Ж.Исмонова ва шифокор Г.Абдусаматовалар қатнашдилар.

Андижон туманида «Бўш ишчи ўринлари» ярмаркасини уюштиришга, маҳаллий ҳокимликнинг меҳнат, иш билан таъминлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўлими, қатор ширкат хўжаликлари, корхона, ташкилотлар маъмурияти билан бир қаторда, **ХДП туман кенгаши** ҳам ўз ҳиссасини қўшди. Шу куни 24 фуқаро ишга жойлашди.

ЭШИТТИРИШЛАР КУРД ТИЛИДА ҲАМ ЯНГРАЙДИ

Туркия парламенти мамлакат ҳудуди бўйлаб курд тилида радиоэшиттириш ва телекўрсатувлар намойиш этилишини ёқлаб овоз берди. Бу Туркиянинг хоҳиши эди. Негаки, Европа Иттифоқи аъзолигига қабул қилиниши учун шундай қилиши керак эди. Бундан ташқари, мамлакатда ўлим жазосини бекор қилиш борасида ҳам парламент якдилликни намойиш этди. Бу ҳам Европа Иттифоқи аъзолигига киришнинг асосий шартларидан бири эди.

Парламент қарорига кўра, эндиликда ўлим жазоси фақат ҳарбий ҳолат давридагина қўлланилади. Тинчлик даврида эса унинг ўрнини умрбод қамоқ жазоси эгаллайди.

СУД ЖАРАЁНИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Жанубий Кореянинг Сеул шаҳрида мамлакат Президенти Ким Дэ Чжуннинг ўғли Ким Хонг Ап устидан қўзғатилган жиноий иш юзасидан суд жараёни якунланай деб қолди. У 4,09 миллион доллар пора олганликда ва солиқ тўлашдан бош тортганликда айбланмоқда.

«Бу кўргилик мени жуда азоблади, мен ҳаммадан кечирим сўрайман», деди Президент матбуот анжуманида ўғли учун кечирим сўраб. Унинг иккинчи ўғли ҳам қамоққа олинган.

Президент ўз ўғиллари қилмиши устидан адолатли ва объектив суд ўтказилишига ваъда берди.

ИШЛАШГА РУХСАТ ЭТИЛДИ

Украинанинг меҳнат муҳофазаси бўйича давлат назорати департаменти ўтган ҳафта бошларида Донецкдаги Засьядко номли кўмир конида юз берган портлашдан сўнг меҳнат муҳофазаси қоидаларига амал қилинмаётир, деган тахмин билан 72 та кон фаолиятини вақтинчалик тўхтатиб қўйган эди. Яқинда давлат комиссияси кўмир конларидаги шарт-шароитни ўрганиб чиқиб, 11 та конда иш олиб бориш мумкинлиги тўғрисида қарор чиқарди.

Меҳнат муҳофазаси бўйича давлат назорати департаменти раисининг биринчи ўринбосари Владимир Радченконинг айтишича, Донецкдаги қолган конлардаги аҳвол ҳам комиссия томонидан ўрганиб чиқилгач, ишлашга рухсат этилади, ёки...

ГОЛЛАНДИЯ. МААСТРИХТ ШАҲРИ

■ Владимир ПАНОВ олган сурат

УМРИНИНГ ОХИРИГАЧА ПРЕЗИДЕНТ БЎЛАДИ

Сапармурод Ниёзов Туркманистон Президенти лавозимида умрининг охиригача фаолият кўрсатади. Бу ҳақда Туркманистон шарқидаги Туркманобод (аввалги Чоржўй) шаҳрида ўтган мамлакатнинг олий вакиллик органи — Халқ Кенгашининг навбатдаги мажлисида қарор қабул қилинди.

1990 йил 27 октябрда С.Ниёзов Туркманистоннинг биринчи Президенти этиб сайланган. 1992 йил 21 июнда мамлакат раҳбари этиб иккинчи муддатга сайланди ва кейинчалик унинг ваколат муддати 2002 йил охиригача узайтирилди.

1999 йил 28 декабрда махсус қонун чиқарилганди. Унга кўра, Сапармурод Ниёзов президентлик ваколатини умрбод ўзида сақлаб қолиши мумкин. Бироқ, Ниёзов бу ваколатдан воз кечмоқда. Унинг маълум қилишича, президентлик сайловлари 2008 ёки 2010 йилларда бўлиб ўтади. Аммо энди Халқ Кенгашининг яқинда чиқарган қарори Сапармурод Ниёзовга мамлакат раҳбарлиги ваколатини умрбод муддатга «тортиқ» қилди.

СОФИЯ РОТАРУ УКРАИНА ҚАҲРАМОНИ

Украина Президенти Леонид Кучманинг фармонига кўра, эстрада қўшиқчиси София Ротаруга Украина Қаҳрамони унвони берилди. Бу хабарни президентнинг матбуот котиби Ален Громницкая журналистларга ҳавола этди. 7 август куни эса София Ротару ўзининг юбилей тантанасини ўтказди.

ТУПРОҚ КЎЧИШИ НАТИЖАСИДА

Маълумки, ҳозир Непалда муссон ёмғирлари айни авжига чиққан пайт. Афсуски, кучли ёмғирлар кўплаб фожиаларни келтириб чиқармоқда. Яқинда кучли жала оқибатида замини бўшаб қолган тупроқ кўчиши натижасида 32 киши ҳаётдан кўз юмди, 50 дан ортиғи эса турли даражада тан жароҳати олди. Мамлакатнинг шарқий қисмидаги 5 та қишлоқ кўчки остида қолди.

Умуман олганда, июндан сентябргача давом этадиган муссон ёмғири натижасида бу йил 360 дан ортиқ киши ҳаёт билан видолашди.

ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

СОХТА «ЧЕРНОБИЛЧИ»ЛАР

ЁКИ ФИРИБГАРЛИК ОҚИБАТИ ҲАҚИДА

Шўро давлатининг ич-ичидан нураб, адо бўлаётган даврида Чернобил ҳалокати содир бўлди. Бу фожиа минглаб одамлар бошига оғир кулфатларни солди. Юртимиздан ҳам минглаб йигитлар ана шу ҳалокат оқибатларини бартараф этишга сафарбар қилинганди. Бу жараёнда кўпгина забардаст йигитлар нурланиб, умрбод ногирон бўлиб қолишгани ҳақиқат. Ана шундай оғир қисмат тақдирига тушган юртдошларимизга ҳукуматимиз томонидан нафақалар ва бошқа қатор имтиёзлар белгиланган.

Аммо, орамизда инсоннинг кулфатидан ҳам ўз манфаати йўлида фойдаланишдан қайтмайдиган кимсалар борки, бу ҳақда фақат афсусланиб сўзлаш мумкин. Янгиариқ туманининг «Гулистон» ширкат хўжалигида Ибодулла Матёқубов ҳам ана шундайлардан бири бўлиб чиқди.

Тўғри, у 1986 йил июль ойида туман мудофаа ишлари бўлими (у вақтда туман ҳарбий комиссарлиги, деб юритилган) томонидан махсус ҳарбий ўқув йиғинига юборилади. Олти ой давомида Ленинград шаҳрида жойлашган АЭСдаги ҳарбий қисмда йиғинда бўлади. Қайтиб келгач, хўжаликда ишлаб юради. 1992 йил 5 апрелда Вазирлар Маҳкамасининг «Чернобил ҳалокатидан зиён кўрган Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилувчи фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш ҳақида»ги Қарори қабул қилингач, у сохта ҳужжатлар тўплашга, яъни фирибгарлик йўлига ўтади. Ўз мақсадини амалга ошира бориб, Янгиариқ туман мудофаа ишлари бўлими ходимлари билан тил бириктиради. Ўзи хизмат қилган 40569-сонли ҳарбий қисм хизматчилари Чернобил АЭС ҳалокати оқибатларини бартараф қилишда иштирок этмаган бўлсалар-да, ҳарбий билетининг 13-бетига «11.08.86 дан 26.09.86 га қадарлик ЧАЭС ҳалокати оқибатларини бартараф қилиш бўйича махсус йиғинда унинг 30 километрлик зонасида бўлди ва СССР МС ва ВЦСПС нинг 1986 йил 5 июндаги 665-195 сонли қарорида кўрсатилган имтиёзларга эга» деган сохта ёзув ёздириб олган. Бу билан чекланмасдан арқонни узун ташлаб «Чернобил АЭС ҳалокати оқибатларини бартараф қилишда 605-сонли қурилиш бошқармасида ишлаб, 21 рентген радиация нурланиши олди» деган мазмундаги сони ва санаси кўрсатилмаган қалбаки маълумотнома ҳам тайёрлатади. Айнан шу икки сохта ҳужжатни ҳеч бир иккиланмасдан «Чернобил АЭС ҳалокати асоратларини тугатиш ишлари билан боғлиқ хасталиклар ва унга алоқадор ногиронлик ҳамда уларнинг касбий хусусиятини белгилаш бўйича Хоразм вилояти идораларо аниқлов кенгаши»га тақдим қилади. Бу ердан 1995 йил 13 октябрда хулоса ҳам олади. Шу хулосага асосан ногиронлик белгилатиш учун Ибодулла Матёқубов Урганч шаҳар ва туманлараро Тиббий меҳнат экспертизаси комиссиясининг «эътиборини қозониб» II гуруҳ ногирони бўлиб олади.

Сохта ногирон, «Чернобил фидойиси» шу тахлит 2001 йилнинг 1 октябригача давлат бюджетидан 380089.35 сўм нафақа ҳамда 142546 сўм моддий ёрдам ва компенсация пули олади.

Сохта чернобилчиларнинг яна бири — 44 яшар Оллоберган Сейитматов бўлиб чиқди. У Янгиариқ тумани, Ш.Рашидов номли ширкат хўжалигида яшайди. Оллоберган ҳам ҳарбий йиғинга чақирилган, аввал Москва вилоятида, сўнгра Латвиянинг Ингалина шаҳридаги АЭСда бўлган. Унинг ҳам белгиланган 30 километрлик зонага мутлақо алоқаси йўқ. Аммо у ҳам сохта ҳужжатлар билан тегишли идораларга мурожаат қилади ва ниҳоят, II гуруҳ ногирони, имтиёзли чернобилчи сифатида ҳар ойда нафақа ва ёрдам пули олишга киришади. У давлатдан жами 735 301 сўм олади.

Яна бир сохта чернобилчи Олим Машарипов ўз тавба-тазаррусида бундай деди: «...Мени ҳам 1986 йилда бошқа заҳирадаги ҳарбийлар қаторида ҳарбий ўқув йиғинига чақирдилар. Ўқув йиғинини Ленинград вилоятидаги Сосновий Бор шаҳрида жойлашган 53810-сонли ҳарбий қисмда ўтадим. Ҳарбий ўқув йиғинида 40 кун атрофида бўлганман. 1986 йил 11 август куни йиғиндан қайтиб ишга тушдим. Ҳақиқатан ҳам ўша йиғинга чақирилганда бевосита Чернобил АЭСнинг 30 километрлик зонасида бўлмаганман. Ҳарбий билетимдаги «09.08.86 дан 29.12.1986 га қадарлик ЧАЭС ҳалокатининг 30 километрлик зонасида бўлди» дейилган ёзувлар нотўғри, сохта ёзувлардир. Бу вақтда мен ўқув йиғинида эмас, балки уйимда эдим ва 11 августдан бошлаб ўзимнинг олдинги иш жойим бўлган Янгиариқ МПМКда дурадгор бўлиб иш бошлаганман...»

Тўғри, фирибгарларнинг сири ошкор бўлди, улар томонидан давлатга етказилган зарар қопланиб, ҳар бириси қилмишига яраша жазога тортилдилар. Аммо, масаланинг бошқа томони ҳам бор. Ахир, бу шахслар сохта ёзувларни ҳарбий билетларига ўзлари ёзишмаган, «фалон нурланиш олди» деган хулосани ўзлари тайёрлашмаган. Масъул идораларда ўтирган шахсларнинг ўз вазифасига бефарқлиги, ҳатто айтиш мумкинки, таъмагирлик ҳолатлари ана шундай фирибгарликларга йўл очиб берган. Жиноят содир этилишида иштирок этган ҳар бир шахс қонун олдида жавоб бериши лозим. Афсуски, юқоридаги жиноятлар бўйича айрим айбдорлар жазодан қутилиб қолишди. Бу ҳол янги фирибгарликлар содир бўлишига олиб келмасмикин?

■ **Отаназар САРИЕВ, Янгиариқ туман прокуратураси терговчиси, Рўзимбой ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

«ЎЗБЕКСАВДО» АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯСИ

Ўзбек савдо

Республика умумтаълим мактаблари ўқувчилари, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий ўқув юртлари талабаларини мактаб-ёзув қуроллари ва кийим-кечаклари билан таъминлашни яхшилаш юзасидан белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида

5 августдан 10 сентябргача республика бўйича «Мактаб бозорлари» ва ярмаркалари ташкил этади.

Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, вилоят халқ таълими бошқармалари билан келишилган ҳолда ҳудудий «Савдо» акциядорлик компаниялари томонидан мамлакатимиз шаҳарларида 90 та мактаб-ёзув қуроллари ва кийим-кечакларининг барча турларини сотувчи бозорлар, ярмаркалар ташкил этадилар. Бундан ташқари, турғун савдо дўконларида 150 та махсус бўлимлар очилади.

«Мактаб бозорлари» ва ярмаркалари ҳудудларида харидорларга салқин ичимликлар, музқаймоқ ва бошқа умумий овқатланиш маҳсулотларини сотиш ҳам ташкил этилади.

Ҳозирги кунда аҳолига етказиб бериладиган мактаб-ёзув қуроллари ва кийим-кечакларнинг турлари бўйича заҳиралар етарли.

Тошкент шаҳрининг 11 туманида марказий «мактаб бозорлари» ва буюм бозорлари, ярмаркаларда 40 та «мактаб бозорлари» ташкил этилади. Ушбу «мактаб бозорлари»да хусусий тадбиркорлар, тижорат фирмалари ҳам ўқув қуроллари ва бошқа товарлар билан савдо қилишга жалб этиладилар.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ УЧУН КИЙИМ-КЕЧАКЛАР ВА ЁЗУВ-ЧИЗУВ АШЁЛАРИ СОТАДИГАН АСОСИЙ «МАКТАБ БОЗОРЛАРИ» РЎЙХАТИ:

А. ИКРОМОВ ТУМАНИ

1. *Марказий туман «Мактаб бозори»* — Чилонзор 9ГА мавзе «Собитҳожи» дўкони олдида, Фарҳод кўчаси.
2. *«Шуҳрат» СИЖК* — Чилонзор даҳаси, 11-мавзе.
3. *Х.Т. Мамасаидов «Офис Маркет»* — Ўрикзор мавзеси, 12-коттеж олдида.

БЕКТЕМИР ТУМАНИ

1. *Марказий туман «Мактаб бозори»* — Водник даҳаси, Ҳ. Бойқаро кўчаси. «СиД»F МЧЖ дўкони олдида.
2. *«Сардор-Соҳиба» МЧЖ дўкони* — Бектемир шоҳ кўчаси.
3. *«Мактаб бозори»* — «Бектемир буюм бозори» (тадбиркорлар) ҳудудида.

МИРОБОД ТУМАНИ

1. *Марказий туман «Мактаб бозори»* — «Тошкент универмаги» АЖ ҳудудидаги майдонда, Ўзбекистон кўчаси, 45.
2. *А. Навоий номли театр майдони (китоблар ва канцтоварлар)* — Ўзбекистон кўчаси.
3. *«Миробод бозори» ҳудудида* — Авлиёота кўчаси (тадбиркорлар).
4. *«Шарқ зиёкори» ХФ (дарсликлар)* — Матбуотчилар кўчаси.

МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИ

1. *Марказий туман «Мактаб бозори»* — Буюк ипак йўли метро бекати, Буюк ипак йўли кўчаси, 103-уй олдида (тадбиркорлар).
2. *«Даврон-Достон» ХФ дўкон ичида* — Буюк ипак йўли кўчаси, 3-уй.
3. *«Улуғбек Азизбек» ХФ дўкон олдида* — Улуғбек шаҳарчаси.
4. *«Мактаб бозори»* (тадбиркорлар) — Қорасув-2 бозорчаси ҳудудида.
5. *«Мактаб бозори»* (тадбиркорлар) — Сайрам кўчаси, 43-уй олдида.

СОБИР РАҲИМОВ ТУМАНИ

1. *Марказий туман «Мактаб бозори»* — Беруний метро бекати.
2. *«Фатхулла ўғли Беҳзод» ХФ* — Ўрозбоев кўчаси.
3. *«Йўлдош ҳамкор» ХФ* — «Қорақамиш бозори» ҳудудида.
4. *«Мактаб бозори»* (тадбиркорлар) — «Қорақамиш бозори» ҳудудида «Темир хазинаси» ШК, Ўрозбоев кўчаси.

СИРҒАЛИ ТУМАНИ

1. *Марказий туман «Мактаб бозори»* — «Супермаркет Сирғали» ЖК, Сирғали-8.
2. *«Мактаб бозори»* — Деҳқон бозори ҳудудида.
3. *«Абул Зул Фар» ХК дўкон ичида* — Сирғали-3.
4. *«Ўқув қуроллари» ХФ дўкон ичида* — Сирғали-3.
5. *«Ўлмасбек» дўкони* — Сирғали-3.
6. *«Жамол ҳожи»* — Сирғали-3.

ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ

1. *Марказий «Мактаб бозори»* — «Чилонзор савдо маркази» ЖК, Чилонзор кўчаси, 55, дўкон олдида.
2. *«Бешёғоч бозори» шўъбаси* — Ҳамза метро бекати олдида (тадбиркорлар).
3. *Қозиробод бозори* — Чилонзор кўчаси (тадбиркорлар).
4. *«Мактаб бозори»* — Деҳқон бозори ҳудудида, Чилонзор кўчаси, 9-уй.

ҲАМЗА ТУМАНИ

1. *Марказий туман «Мактаб бозори»* — Й. Охунбобоев кўчаси.
2. *«Мактаб бозори»* — «Паркент бозори» ҳудудида.
3. *26-сон китоб дўкони (канцтоварлар)* — Исломов кўчаси, 18.
4. *36-сон китоб дўкони (канцтоварлар)* — Янгиобод гузари.
5. *«Мактаб бозори»* — «Авиасозлар бозори» ҳудудида, Кадишев кўчаси.

ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИ

1. *Марказий туман «Мактаб бозори»* — «Ўзбекистон матбуоти» ва унинг ШКлари, Навоий кўч. 30 растасида.
2. *«Мактаб бозори»* — Навоий кўч. 30-а растаси.
3. *«Мактаб бозори»* — «Болалар дунёси» олдида ва ичида.

ЮНУСОБОД ТУМАНИ

1. *Марказий туман «Мактаб бозори»* — «Ю. Обод Саховат» ЖК ҳудудида Юнусобод 19-мавзеси дўкон олдида.
2. *«Мактаб бозори»* — «Юнусобод универсал бозори» автоулов.
3. *«Мактаб бозори»* — Каблуков кўч. Олой бозори олдида.

ЯККАСАРОЙ ТУМАНИ

1. *Марказий туман «Мактаб бозори»* — «Саодат СМ» ЖК дўкон олдида, У. Носир кўчаси.
2. *«Мактаб бозори»* (тадбиркорлар) — «Аския бозори» ҳудудида.
3. *«Мактаб бозори»* (тадбиркорлар) — У. Носир кўчаси, 52-уй олдида.

Ҳурматли ота-оналар! Азиз фарзандларингизга мактаб ёзув қуроллари ва кийим-кечаклар харид қилмоқчи бўлсангиз «мактаб бозорлари» ва ярмаркаларга марҳамат қилинг!

СЕРЖИЛО ТАФАККУР ДУРДОНАЛАРИДАН*

БАЛЬТАСАР ГРАСИАН – ИСПАН ФАЙЛАСУФИ. 1601-1658 ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН:

♦ Ҳаёт – ўйин.

♦ Одамлар – муғомбирдирлар.

♦ Афти хунук, ишлари ярамас.

♦ Ёлғизликда донишманд бўлгандан, ҳамма билан бирга нодон бўлган афзал.

♦ Табиат ва маданият – барча фазилатлар савлат тўкиб турган, иккита ўзак.

♦ Бемулоҳаза ақл – икки карра беақллилик.

♦ Доно ҳаммани қадрлайди, негаки, ҳар кимда яхши нарсани кўради.

♦ Энг яхши ўч олиш – ёддан чиқариш, у душманни унинг бўлмағурлигининг хокига дафн қилади.

♦ Арзимаган мақсадларга қўлланилган юксак ақл нафратга лойиқ!

♦ ... Ҳар ким ўзининг, ҳатто, ёрқин қисматидан хафа, бироқ, ўзининг, ҳатто, ниҳоятда хира ақлидан мамнун.

♦ Хоҳлаган нарсага етишишнинг яхши усули – беписандлик: ниманидир ахтарганингда, ҳеч қанақасига топа олмайсан, унинг тўғрисида ўйлашни унутишинг биланоқ, ўзи қўлингга келади.

♦ Жуда тўйиб кетиш лаззатланишга зарарлидир.

♦ Йўл ноаниқ бўлганида, доно ва эҳтиёткор одамларнинг этагини тут – улар, эртами-кечми, қулай чорани топадилар.

♦ Йигирма ёшда ҳиссиёт, ўттизда – истеъдод, қирқда – ақл ҳукмронлик қилади.

♦ Гап кираётганингда оломоннинг сени олқишлашида эмас, – ҳар ким кўнгилдагидай кира олади, – бироқ, сенинг кетаётганинг хусусида афсуслансинлар. Бахт кетувчиларга камдан-кам ёр бўлади: у шодиёна кутиб олади ва бепарво кузатиб қолади.

♦ Агар қирқ ёшдан кейин Гиппократга соғлиқ тўғрисида мурожаат қилиш бемаънилик бўлса, мулоҳазали бўлиш хусусида Сенекага мурожаат қилиш – ундан ҳам бемаънирокдир.

♦ Ўрта миёнали, ғайрат билан, ғайратсиз истеъдодга қараганда, кўпроққа эришади. Шуҳрат меҳнат эвазига харид қилинади; осон эришилган нарса, паст баҳоланади.

♦ Осон ишга бамисоли қийин ишга, қийин ишга эса – худди осон ишга каби киришгин.

♦ Баъзи киши ишни қилиб қўяди, кейин эса ўйлайди – гўёки, муваффақиятни эмас, балки, важ ахтараётгандай.

♦ Фақат энинга ёйилиб, ўрта миёналикдан ташқарига чиқа олмайсан. Ҳар томонга интилувчи одамларнинг кулфати шундаки, улар ҳамма нарсани билишга интилиб, ҳеч нимани пухта билмайдилар.

♦ Ўта ақлли бўлма – яхшиси, мулоҳазали бўл. Керагидан кўп билиш – назокат билан ажралиб туриш демак, қаерда нозиклик бўлса, ўша ердан йиртилади, умумқабул қилинган нарсалар ишончлирокдир.

♦ Якка ўзинг барчага ёқадиган нарсаларни қоралама. Кўриниб турибдики, бунда нимадир яхши, модомики, у ҳаммага ёқаётган экан, гарчи, буни тушунтириб бўлмаса ҳам, барча роҳатланмоқда, ғайриодатий фикр ёқимсиз, ҳолбуки, хато эканми – кулгили; у, қораланаётган нарсага қараганда, сенинг калтабин ақлингни шарманда қилади; ўзингнинг аҳмоқона дидинг билан ёлғизланиб қоласан.

♦ Бизнинг замонамизда – инсон бир ғаройиб нарса.

♦ Кўпчилик юраётган йўл шубҳалидир.

♦ Миш-миш гаплар – ҳақиқат учун орқа эшик ва ёлғон учун – катта эшик.

♦ Томошабинлар, ўйинчига қараганда, кўпроқ нарсани кўрадилар.

♦ Ҳар қанақа давом қилиш – тараққиёт дегани эмас.

♦ Билимлар, агар улар ҳаётий бўлмасалар, нимага кераклар? Бизнинг давримизда ҳаётни билиш – у чинакам билим демакдир.

♦ Мен ҳеч қачон ҳамма кетаётган томонга юрмайман... Ҳеч ким кирмайдиган жойга киришни хоҳлайман... Инсон бўлишни истайман.

♦ Инсоннинг ҳаёти – инсоннинг макрлари билан курашдир.

♦ МУЛОҲАЗАЛИЛИК ИЛМИ:

— Сенга эҳтиёж ҳис этсинлар, бу – сенинг биринчи кундалик қоиданг бўлсин.

— Юқоридагилар устидан ғалаба қилишдан қоч.

— Усулларни ўзгартир.

— Ҳаддан ташқари умидлардан бошлама.

— Ўз камчиликларини, уларни фазилатларга айлантириб, яшириш санъати айниқса зарур.

— Ҳар кимга калит топ.

— Ўзингни четга ола бил.

— Омадли ўйинни вақтида тугат.

— Фикрларда озчилик билан бўлгин, сўзда – кўпчилик билан.

— Ақл билан иш қиладиган жасур бўл.

— Кутишни бил.

— Ўзингни тий.

— Билгин: устунлик биринчи бўлишликда.

— Рад эта бил.

— Қатъиятли бўл.

— Гойиб бўлишни ўрган.

— Ҳар кимга мослаш.

— Янгилан.

— Ўжарлик қилма.

— Ўзингда майда палапартишчиликларга йўл қўй.

— Муомалада бағрикенг бўл.

— Куёшинг ботишини кутма.

— Рақобатчиликка суқилма.

— Ҳеч қачон ўз ҳақингда гапирма.

— Замона билан баҳслашмай яша.

— Беақллилик қилган беақл эмас, балки, беақллилик қилиб, уни яшириб, беақл.

— Аралашмаслик санъати.

— Ўзинг хоҳлагандай якунлаш учун, бегона усулда бошла.

— Ҳар қандай ишда, модомики, кам билсанг, синалган йўлни тут.

■ Русчадан Муҳаммад РАҲИМ ўғли таржимаси

*Давоми. Боши газетанинг аввалги шанба (2001 йил 27 октябрдан бошлаб) сонларида.

СПОРТ

КУЧЛИЛАР САРАЛАНДИ

Наманганда бокс бўйича вилоят ҳокими соврини учун анъанавий халқаро турнир ниҳоясига етди. Мусобақада ҳамюртларимиздан ташқари Хитой, Сурия, Қирғизистон, Тожикистондан ташриф буюрган 120 нафардан ортиқ спортчи иштирок этишди.

Ўн икки вазн тоифасида ўтказилган «жанг»ларда Шиминг Зоу (48 кг. Хитой), Т.Дониёров (51 кг. Наманган), Б.Султонов (54 кг. Андижон), У.Бўрибоев (57 кг. Қўқон), Д.Маҳмудов (60 кг. Фарғона), М.Юсупбеков (63,5 кг. Қирғизистон), Р.Раҳматов (67 кг. Тошкент), Ш.Абдураҳмонов (71 кг. Сирдарё), А.Матниёзов (75 кг. Тошкент вил.), F.Аҳмедов (81 кг. Андижон), Н.Азимов (91 кг. Наманган), Чанг Жу (+91 кг. Хитой)лар бош соврин соҳиби бўлдилар.

✧ ✧ ✧

Суратда: мусобақадан лавҳа.

■ А.РИСҚИЕВ (ЎзА) олган сурат.

ЎН ТЎРТ ВАКИЛИМИЗ ОСИЁ ЧЕМПИОНИ

Қозоғистоннинг Остона шаҳрида таэквондонинг ITF йўналиши бўйича эркаклар ва аёллар ўртасида навбатдаги Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Мусобақада қитъамизнинг саккиз давлати спортчилари қаторида вакилларимиз ҳам муносиб иштирок этишди.

Чемпионат дастуридан жой олган таэквондонинг тиль, масоги услублари бўйича ўз маҳоратларини намойиш этган ҳамюртларимиз 14 та олтин, 9 кумуш ва 5 та бронза медалларини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида ҳам вакилларимиз биринчи ўрин соҳиби бўлдилар.

— Мазкур баҳслар спортчиларимиз учун жуда катта аҳамиятга эга, — дейди Ўзбекистон Таэквондо (ITF) миллий ассоциацияси президенти Пўлат Усмонов. — Олдинда бундан-да йирик мусобақалар турибди. Жумладан, Аргентинада ўтадиган жаҳон чемпионати айнан шундай баҳслар сирасига киради. Қитъа чемпионатида жами 28 та медаль соҳиби бўлган таэквондочиларимиз келгуси баҳсларга ҳам янада пухта ҳозирлик кўришади.

«ПАХТАКОР» — «НЕФТЧИ» — 6:3

Кеча Марказий «Пахтакор» ўйингоҳида футбол бўйича 2001-2002 йилги Ўзбекистон кубогининг финал учрашуви ўтказилди. Бу ўйинда мавсум пешқадами Тошкентнинг «Пахтакор» ҳамда Фарғонанинг «Нефтчи» жамоалари ўзаро баҳс юритдилар.

Шиддатли ва қизиқарли кечган мазкур учрашувнинг асосий вақтида дуранг натижа қайд этилди — 3:3. Ҳал қилувчи ўттиз дақиқалик қўшимча вақтда пахтакорчилар рақиблари дарвозасига кетма-кет уч тўп киритишди — 6:3. Ажабланарлиси, ушбу ўйинда «Нефтчи» ҳимоячиси Сергей Лебедев икки бор автогол муаллифи бўлди. Учрашувда қолган тўпларни пахтакорчи Гочқули Гочқулиев (2 та), Леонид Кошелев, Зайниддин Тожиев, фарғоналик Сергей Ни, Мухтор Қурбонов, Акмал Холматовлар дарвозага йўллашди. Шундай қилиб, «Пахтакор» жамоаси ўз тарихида тўртинчи маротаба мамлакат биллур совринини қўлга киритди.

■ Эркин ХОЛБОБО

КУРАГИ ЕРГА ТЕГМАГАН ПОЛВОН

Абдулла Тангриев Сурхондарёнинг Бойсун туманидан. Кураги ерга тегмаган полвонлар авлодидан. Тангриевлар сулоласи вакилларининг суяги тўйларда, сайлу байрамлардаги курашларда қотган. Ана шундай беллашувларнинг бирида укасидаги иқтидорни пайқаган дзюдо бўйича спорт устаси Абдукарим Тангриев 9 ёшли Абдуллани пойтахтга олиб келди.



Дастлаб, Абдуллага акасининг ўзи мураббийлик қилди. 1993 йилда у Республика олимпия заҳиралари коллежига ўқишга қабул қилинди. Бу даврда унинг мусобақаларда маҳорати чарҳланди, алпкелбат полвон бўлиб етишди. 19 ёшига етганида кўплаб тажрибали спортчилар учун армон бўлиб келаётган орзуга эришди — 2000 йил Австралияда ўтказилган ёзги Олимпиада ўйинларида иштирок этиш шарафига муяссар бўлди.

Эндиликда нафақат юртимизда, балки бутун дунёда ўзбек кураши, дзюдо ва самбо бўйича Абдулла Тангриевнинг олдига тушадиган спортчи кам топилади.

— Спорт соҳасида нималарга эришган бўлсам, барчасини Ватанимизнинг мустақиллиги шарофатидан, деб биламан, — дейди Абдулла полвон. — Зеро, истиқлол бизга нималарга қодирлигимизни кўрсатиш имкониятини берди.

Юртбошимиз Ислом Каримов мустақилликнинг илк кунлариданоқ мамлакатимизда спортни ривожлантириш борасида тинмай ғамхўрлик қилиб келади. Бунинг самараси ўлароқ, ҳамюртларимиз кўплаб спорт турлари бўйича жаҳон миқёсида юқори натижаларга эришяпти. Айниқса, миллатимиз ифтихори — курашнинг халқаро спорт турига айлангани барчамизни мамнун этмоқда.

Бухорода ўтказилган «Универсиада-2002» мусобақаларида Абдулланинг кураш бўйича битта, дзюдодан эса учта олтин медални қўлга киритгани, унинг ҳаётидаги энг унутилмас воқеалардан бири бўлди.

— Голиблик шоҳсупасига кўтарилганингизда кўнглингиздан нималар ўтади?

— Мадҳиямиз тантанавор янграб, байроғимиз кўтарилганида, қалбим ғурур ва ифтихорга тўлади. Кучимга куч, ғайратимга янада ғайрат қўшилади. Алпомишлар юрти бўлмиш Ватанимдан чексиз фахрланаман.

Абдулла полвон ҳозир кузда Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида бўладиган Осиё ўйинларига астойдил тайёргарлик кўряпти.

■ Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА мухбири

✧ ✧ ✧

Суратда: (чапдан) Абдулла Тангриев курашимиз фахрийлари билан.

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ олган сурат.

БОЛАЛИК СУРУРИ

■ Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган сурат

ШИКОЯТ

«ДАЪВО АРИЗАМ НЕГА КЎРИЛМАЯПТИ?»

«2000 йил 28 октябрь куни Чиноз тумани ҳудудида Рустамов Зоҳид отасига тегишли бўлган «Нексия» русумли автомашинаси билан машинамни уриб кетди. Натижада, машинам фойдаланишга яроқсиз бўлди, ўзим эса жароҳатландим. Воқеа жойига етиб келган ЙПХ ходимлари негадир Зоҳиджондан ҳолаҳвол сўраб, менга эса аҳамият беришмади. Ҳатто синган қўлим ва лат еган оёғимни рентген ҳам қилдиришмади. Айтишларича, Чинозда рентген оладиган плёнка йўқ эмиш.

Тошкентга келиб ТошМИ шифохонасида рентген қилдирганимда, қўлим сингани, тиззаларим лат еганлиги аниқланди.

Воқеа жойида З. Рустамов ўзини тўраларча тутди, унда ишонч қоғози тугул ҳайдовчилик гувоҳномаси ҳам йўқ экан... Кейинчалик эшитишимча, Тошкентда «ишонган» одами бор экан. Шу гап рост бўлса керакки, йилнинг охиригача автоҳалокат бўйича иш очилмади. Ички ишлар вазирлигига ариза беришга мажбур бўлдим. Шундан сўнггина воқеа юзасидан иш қўзғатилди.

Ишни Янгийўл шаҳар суди кўриб чиқиб, 2001 йил 29 март куни З.Рустамовни ЎзР ЖКнинг 266-моддаси билан айбдор деб топиб, ҳукм чиқарди. Шундан сўнг машинамга ва менга етказилган зарарни тўлаш ҳақида даъво ариза билан Зангиота туманлараро фуқаролик судига мурожаат этдим. Аризам судья А.Тожибоевага топширилди. Мен бу судьянинг олиб бораётган ишидан норозилигимни айтиб, ариза ёздим. Иш судья Г.Шукуровага топширилди. Бу судья ҳам ишни негадир кўрмасдан тўхтатиб қўйди. 2001 йил 19 ноябрь куни вилоят фуқаролик суди раиси К.Саидовнинг қабулига ариза билан кирдим. Лекин, то шу кунга қадар менинг даъво аризам кўрилгани йўқ. Менга ва машинамга етказилган зарар тўланмасдан қолиб келаяпти.

Бу орада жарима майдончасида турган машинамнинг баъзи қисмлари ўғирланди. Шуни айтсалар керак-да. «камбағални туянинг устида ҳам ит қопибди» деб.

Тушунмайман, ушбу воқеада жиноят ишлари бўйича суд З.Рустамовни айбдор деб топган ва эксперт фалон микдорда машинага зарар етказилган, деб хулоса берган бўлса, нега энди етказилган зарарни тўлаш ҳақидаги даъвони кўришмаяпти?

Мен бундан қандай хулоса чиқаришим мумкин? Тушунмаяпман. Мен ҳақманми, ноҳақманми?

Ёки, қонун мендек бир оддий ишчини ҳимоя қилмайдими?

■ Мэлс ҚЎЧҚОРОВ, Тошкент шаҳри».

ТАҲРИРИЯТДАН: Ушбу масала юзасидан мухбиримиз вилоят фуқаролик суди раиси К.Саидов билан учрашди. У киши «Бундай бўлиши мумкин эмас», деб Зангиота туман судига боғланган.

Лекин, мумкин экан. Зангиота туманлараро фуқаролик суди раиси О.Исмоиловнинг айтишича, 2001 йилнинг 3 июлида берилган даъво аризаси бўйича бошланган суд судьялар А.Тожибоева ва Г.Шукуровалар томонидан 3 август ҳамда 12 ноябрда томонлар келмади, деган важ билан тўхтатилган. Шу кунгача иш кўрилмасдан ётибди.

Мантиқан ўйлаб қараганда жавобгар томон турли баҳоналар билан судга келмаслиги мумкин. Аммо манфаатдор томоннинг судга келмаслиги, яна икки бор денг, асосли эмасга ўхшайди. Мэлс Қўчқоровнинг айтишича, томонлар келмади, деган гап баҳона, холос. Чунки у ҳар доим ҳимоячи З.Соибназаров билан айтилган вақтда судга қатнаб турган. Аксинча, жавобгар томон бир неча бор келмаган экан. Демак, гап бошқа ёқда...

Вилоят фуқаролик суди бу масалага ойдинлик киритади, деган умиддамиз.

ҲОДИСА

«ОТИБ, ОТИБ»... ЁТИБ ҚОЛАЁТГАНЛАР

Автомашиналар бетиним қатнаб турган текис ва равон асфальт йўл қайси бир ҳайдовчига ёқмайди, дейсиз. Мисоли гард юқмаган йўллар жоннинг роҳати, дейишади улар. Хуллас, текислик замонавий техниканинг «умр»ига умр қўшиш билан бирга ҳайдовчининг ташвишини бир қадар озайтирувчи омиллардан бири. Аммо, баъзи бировлар учун у... ётоқ жой ҳам бўлаётган экан.

Кейинги пайтларда кеч бўлди дегунча тамаддихоналару тўйхоналарда ё бирон овлоқ жойларда ярим кечагача ичкилик ичиб, маст ҳолда уйига етолмай кўчада узала тушганча ухлаб қолаётган кишилар тез-тез учрайдиган бўлиб қолди. Улар нафақат ўз ҳаётларини хавф остида қолдиришмоқда, балки ҳайдовчилар учун ҳам ташвиш келтиришмоқда.

...25 июль. Тунги соат 01. Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманининг Янгиобод — Паркент йўлида «ЛАЗ-695» русумли, 11 AN 394 давлат рақамли автобус тумандаги «Бирлик» жамоа хўжалигида яшовчи Равшан Бўриевни босиб кетди. Маълум бўлишича, у маст ҳолда йўлда ухлаб қолган экан.

27 июль эрталабки соат бешлардан ошганда Жиззах вилоятининг Фориш тумани йўлида ҳам фожиа юз берди. «МТЗ-80» русумли трактор ҳайдовчиси Илҳом Шабаев «Ҳумо» жамоа хўжалиги ишчиси, 1977 йилда туғилган Фарҳод Пардаевни кўрмай қолиб, босиб кетган.

Бундай фожиали ҳодисалар бошқа вилоятларда ҳам учраб турибди. Ичиб, уйга етолмай кўча-куйда ётиб қолаётганлар орасида кўринишдан туппа-тузуклари ҳам бор. Фақат арақ уларни енгиб қўйган. Ичкилик бир зумда кишини ақли-ҳушидан жудо қилади, оёқлари ҳам ўзларига бўйсунмай қолади. Оқибатда кўчада қолиб кетишади.

Хўш, нима қилиш керак? Ҳамма ўз ҳолига қараб ичсинми, ўйлаб ичсинми? Бу гаплар уларга таъсир қилармикин? Қандай чора кўриш мумкин? Жамоатчилик бунга нима деркин?

■ Зариф ЎСАРОВ, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҲХББ инспектори, милиция катта лейтенанти.

«ЭСКИ ЖЎВА УНИВЕРСАЛ БОЗОРИ»

очиқ акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!

Ҳурматли акциядорлар!

Жамиятнинг 2001 йил якунлари бўйича ҳисобланган дивидендларнинг тўланиши давом этмоқда. Акциядорларни ўз дивидендларини олишлари учун қуйидаги манзилга мурожаат этишларини сўраймиз:

Шайхонтоҳур тумани, Бозор майдони, 28-уй.

Маълумот учун телефон: 42-52-46

БОЗОР МАЪМУРИЯТИ

Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 15-ўрта мактаб томонидан 1995 йилда Адҳам Матяқубов номига берилган №022590 рақамли ўрта маълумот ҳақидаги аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидаги 31-ўрта мактаб томонидан Хаитова Жамила номига 1991 йил 17 июнда берилган АN 471477 рақамли ўрта маълумот ҳақида аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«МИРОБОД БОЗОРИ» ОАЖ

бошқаруви шуни маълум қиладики, жамият Кузатув кенгашининг 2002 йил биринчи ярим йиллик молиявий-хўжалик фаолият натижалари бўйича ўтказилган навбатдаги йиғилиши қарорига мувофиқ, дивидендлар номинал қийматига нисбатан 16,96 фоиз тўланади.

Акциядорлар реестри 2002 йил 16 июль ҳолати бўйича ёпилади.

Акциядорлар 2002 йил 17 августдан бошлаб қуйидаги манзилга мурожаат этишлари мумкин: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, «Миробод бозори» ОАЖ.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI

Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 136-53-70
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 136-53-21
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 136-57-20
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi Abdumalik BOBOYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 671

Topshirish vaqti 21.00.
Topshirildi — 22.00
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA